


## 7 ёшли инглиз бола ҳофизи Қуръон бўлди



16:00 / 04.12.2018 3077

Англиянинг жанубида жойлашган Лутон шаҳрида яшайдиган 7 ёшли Юсуф Ислом Қуръони каримни тўлиқ ёд олиб, ҳофиз бўлди, деб хабар беради About Islam нашри.

Маълум бўлишича, Юсуфнинг катта опери Мария икки йил аввал Қуръони каримни тўлиқ ёд олган экан. Шу кунларда Юсуфнинг онаси facebookдаги саҳифасида фарзандларига Қуръони каримни ўргатмоқчи бўлган оилаларга ўзининг қимматли маслаҳатларини бермоқда.

*Islom.uz* портали таҳририяти